



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№5 (958)

2026 йил 3 февраль, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Хусусий тадбиркорлар
иштирокини
кенгайтириш орқали
2026 йилда қўшимча
2,5 миллион тонна
кўмир казиб чиқариш
режалаштирилган.

ЎЗА.



Янги Ўзбекистоннинг халқчил ислохотлари

“Янги Ўзбекистон”
массивлари. Ҳар бир
қурилган уй кимнингдир
орзуси, йиллар давомида
кутган хонадони.
Бир пайтлар бўш ётган
майдонларда бугун
осмонўпар бинолар қад
ростлади.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Инсон борки, ўз уйига эга бўлиш учун ҳара-
кат қилади. Президент ислохотлари эса одам-
ларнинг йиллаб кутган уйли бўлиш орзусини
натижага айлантириб, янги ташаббус – “Янги
Ўзбекистон” массивлари дастурининг жорий
этилишига имкон берди. Минглаб оилалар уйли
бўлди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб,
ижарада яшамайди. Энди уларнинг ўз уйлари
ҳаловат маскани бор.

Аҳолини шинам уй-жой билан таъминлаш
фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-ша-
роит яратиш давлатимиз сиёсатининг асосий
устувор йўналишларидан бири. “Янги Ўзбекис-
тон” массивлари дастурининг туб моҳияти ҳам
айнан шу мақсадга қаратилган. Рақамларга эъ-
тибор қаратсак, 2025 йилда Тошкент вилоятида
қад ростлаган “Янги Ўзбекистон” массивларида

2268 хонадонли 30 та уй-жой фойдаланишга
топширилди. “Янги Ўзбекистон” массивлари
халқимизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш,
худудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари
асосида олиб борилаётган қурилиш ишлари-
даги катта лойиҳалардан. Чунки худудда кўп
қаватли уй-жойлар қуриш билан бирга ижти-
мий соҳа объеклари, инфратузилма ҳамда
муҳандислик-коммуникация тармоқларига ҳам
алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимизнинг 2025 йил 21 февралдаги
“Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлан-
тиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғри-
сида”ги фармонида асосан 2025 йилда Чирчиқ
шаҳри бўйича жами 1 356 хонадонли 23 та кўп
қаватли уй-жойлар янгидан қурилиши режа-
лаштирилган. Бугунги кунда 5 та янги кўп қав-
атли уйлар барпо этилмоқда.

Бу борадаги кўрсаткичлар Нурафшон шаҳри-
да 3 баробар кўп. Йил давомида 427 та хонадон-
ли 6 та уй қурилиши режалаштирилган эди.
Амалда 970 хонадонли 15 та уй барпо этилиб,
фойдаланишга топширилди. Натижада бу бо-
радаги режа 227 фоизга бажарилди. Бугун мам-
лакатимизнинг барча худудларида айнан ушбу
дастур доирасида қуриб, топширилган уй-жой-
лар ва у ерда яратилган шароитлардан халқи-
миз мамнун. Яна бир жиҳат, мазкур турар жой-
лар учун субсидия ва ипотека кредитларининг
ажратилиши ҳам кўплаб оилаларнинг уй-жой
масаласини анча енгиллаштирди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир худудидида “Янги
Ўзбекистон” массивлари жадал суръатларда
барпо этилмоқда. Олмалиқ мамлакатимиз-
нинг sanoati ривожланган йirik
шаҳарларидан бири.



▲ Тошкент вилоятида қад ростлаган
“Янги Ўзбекистон” массивлари.

Қурилиш паспорти қонун талаби ва амалиётдаги бепарволик ўртасидаги тафовут

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қурилиш ва
шаҳарсозлик соҳасини тартибга солиш, очиқлик
ва шаффоқлиқни таъминлаш масаласи давлат
сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига
айланди. Айниқса, ноқонуний қурилишлар-
нинг олдини олиш, жамоатчилик назоратини
кучайтириш ҳамда ҳар бир қурилиш объекти-
нинг ҳуқуқий ҳолатини аҳолига очиқ кўрсатиш
мақсадида муҳим ҳуқуқий механизмлар жорий
этилди.

Ана шундай механизмлардан бири – QR-код-
ли қурилиш паспортининг мажбурий ўрнати-
лишидир. Ушбу тартиб Ўзбекистон Республи-
каси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги
ПФ-66-сонли Фармони асосида жорий этилиб,
қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вази-
рининг 2025 йил 20 августдаги буйруғи билан
тасдиқланган Низомда аниқ белгилаб қўйил-
ган. Бироқ, қонуний талаблар қанчалик пухта ва
аниқ бўлмасин, уларнинг амалий ижроси етар-
ли даражада таъминланмаса, қўтилган натижа
бермайди. Афсуски, бугунги кунда QR-кодли
паспортлар билан боғлиқ ҳолат айнан шундай
манзарани намоён этмоқда.

Мажбурият бор аммо ижро суст

Низомнинг 4-бандида белгиланган талабга
қўра, қурилиш объекти худудий инспекцияда
рўйхатдан ўтказилган куннинг ўзидаёқ буюрт-
мачи томонидан QR-кодли қурилиш паспорти
объектнинг кириш қисмига ёки барча учун очиқ
ва яққол кўринадиган жойга мажбурий тар-
тибда ўрнатилиши шарт. Ушбу талаб ҳуқуқий
жиҳатдан аниқ ва қатъий бўлиб, у ҳеч қандай
ҳолатда тавсиявий характерга эга эмас, балки
бажарилиши шарт бўлган норматив мажбурият
хисобланади.

Бироқ, амалий кузатувлар ва мониторинг
натижалари шуни кўрсатмоқдаки, айрим қури-
лиш объектиларида ушбу талабга мунтазам ра-
вишда риоя этилмапти.



Мисол учун, ушбу суратда келтирилган қурилиш паспорти
Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган “Zangiota
Avenue” компанияси томонидан барпо этилаётган “Garant
Builder” турар жой мажмуасига тегишли. Аммо ушбу қурилиш
паспорти низомда келтирилган талабларга зид ва шловий
хатолардан холи эмас. Масалан, “уй-жойлари” деган сўз орасида
чизиқча қолиб кетган, “лойиҳа” сўзида “х” харфи ўрнида “х”
ёзилиши керак. Шунингдек, тутуқ белгилари ҳам нотўғри
қўлланилган. Тўғри, ушбу мажмуанинг қурилиш жараёнлари
Президент фармони асосидаги QR-кодли қурилиш паспорти
жорий этилишидан олдин бошлангандир. Бироқ фармон расман
кучга киргандан сўнг янгиланиши, QR-код ўрнатилиши керак эди.
Сабаби, қурилиш жараёни давом этмоқда.

Шунингдек, объект мавжуд бўлиб, унда фаол
қурилиш жараёни олиб борилаётганига қара-
май, ҳуқуқий мақоми, буюртмачиси, лойиҳа
хужжатлари ёки рухсатномалари ҳақида жамо-
атчилик учун очиқ ва ишончли ахборот тақдим
этилмаган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Мазкур хо-
латлар Низом талабларининг очикдан очик бу-
зилиши сифатида баҳоланади.

Чунки қурилиш паспорти оддий лавҳа
эмас, балки қурилиш объектининг қонуний-
лигини жамоатчиликка очик тасдиқловчи
муҳим воситадир. У ўрнатилмаган ҳолда обь-
ект “ёпиқ” тус олиб, фуқароларда шубҳа уйғо-
тиши, ижтимоий норозилик ва соҳага бўлган ишонч пасайишига
олиб келиши мумкин.



Маҳаллалар билан ҳамкорлик давом этмоқда

Сухробжон ҒАФҒОРОВ,
Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги соҳасида худудий
назорат қилиш инспекцияси
бош мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
“Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни
чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонун, Президент
фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳма-
сининг қарорларига амал қилган ҳолда, Ўзе-
бекистон маҳаллалари уюшмаси билан Қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат
қилиш инспекцияси ўртасида “Ичимлик суви
таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш
хизматларидан ва сув ресурсларидан оқилона
фойдаланишни кенг тарғиб қилиш бўйича ўз-
аро ҳамкорлик” тўғрисида 2024 йилнинг апрель
ойида Меморандум имзоланган.

Ушбу Меморандумга қўра, ичимлик суви
таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш
соҳасини ривожлантиришда ўзини-ўзи бошқа-

риш органлари ролини ошириш ҳамда фаол
иштирокини таъминлаш, соҳада жамоатчилик
назоратини кучайтириш, фуқароларни ичим-
лик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб
юбориш хизматларидан фойдаланиш мадания-
тини ўстиришга қаратилган профилактика тад-
бирларини ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек,
мазкур ҳужжатда аҳолининг сифатли ва хавф-
сиз ичимлик суви билан таъминланаётганли-
ги юзасидан доимий мониторинглар ўтказиб
бориш, соҳада юзага келадиган носозликларни
тезкор бартараф этиш бўйича ваколатли ор-
ганларга хабар бериш механизмларини жорий
этиш масалалари ҳам белгиланган.

Меморандум доирасида тузилган иш режага
асосан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
соҳасида назорат қилиш инспекцияси томони-
дан фуқароларнинг ичимлик суви таъминоти ва
оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги са-
водхонлиги, истеъмолчиларнинг фойдаланиш
маданиятини юксалтириш ҳамда муаммолар
ва тақлифлар бўйича фикр-мулоҳазаларини би-
лиш мақсадида маҳаллаларда ўр-
ганиш ишлари олиб боришмоқда.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



Қурилиш паспорти қонун талаби ва амалиётдаги бепарволик ўртасидаги тафовут



1



Ушбу суратлар эса Сурхондарё вилояти Денов туманида жойлашган “Baraka Denov City” ва “Binafas Agro” компаниялари ҳамкорлигида қурилаётган “Denau Tower” турар жой мажмуасининг қурилиш паспортидир. Унда “раками”, “қурилиш”, “ҳажми”, “дуқон”, “бошлиғи”, “қилиғи”, “тархи”, “тураржой”, “Шахар”, “Мустақиллик”, “кучаси”, “қурилаётган”, “куп”, “каватли” каби сўзларда имловий хатолар бор.

Муҳаммаджон ТУТАЛОВ,

Тошкент шаҳар
Қурилиш ва уй-
жой коммунал
хўжалиги
соҳасида
худудий
назорат қилиш
инспекцияси
матбуот
хизмати бош
мутахассиси:



Амалдаги Низомга мувофиқ, ҳар бир қурилиш объекти худудий инспекцияда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, унинг худудидида ҳаммага қўринадиган жойга QR-кодли қурилиш паспорти мажбурий тартибда ўрнатилиши шарт. Худудий нazorат қилиш инспекциялари томонидан аввало, паспортнинг мавжудлиги, белгиланган ўлчам ва техник талабларга мувофиқлиги, ташиқ таъсирларга чидамли материалдан тайёрлангани ҳамда тўғри жойлаштирилгани текширилади. Шунингдек, унда объектка оид барча мажбурий маълумотлар, жумладан, бю-юртмачи, пудратчи, лойиҳа ташкилотлари, масъул шахслар, қурилиш муддати ва “Шаф-фоф қурилиш” ахборот тизимига уланган QR-коднинг мавжудлиги ва ишлаш ҳолати урганилади. Маълумотларнинг давлат ти-лида, аниқ ва ўқилиш учун яроқли шаклда бери-лиши ҳам назоратдан четда қолмайди.

Агар қурилиш паспорти ўрнатилмаган, талабга мос келмаган ёки яроқсиз ҳолатга келиб қолган бўлса, бу Низом талабларининг бузилиши ҳисобланади. Бундай ҳолатда худудий инспекция бюртмачига ёзма кўрсатма беради ва камчиликларни бартараф этиш учун аниқ муддат белгилайди. Белгиланган муддатда талаблар бажарилмаса, қонунчи-ликка мувофиқ маъмурий чоралар қўрилади. Мазкур назорат бевосита Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий на-зорат қилиш инспекцияларига тегишли бў-либ, ҳозирда аниқланган камчиликлар бўйича берилган ёзма кўрсатмалар асосида қурилиш паспортлари белгиланган муддатларда ўр-натилиб, вазият босқичма-босқич тўлиқ тартибга солинмоқда.



Ушбу сурат эса Тошкент шаҳри Яшнобод туманида қурилаётган умумий овқатланиш биносининг паспорти бўлиб, унда ҳам кўтлаб имловий хатолар мавжуд. Жумладан, “шахар”, “тархи”, “ҳолат”, “лойиҳа”, “лойиҳачи” сўзларидаги “х” ҳарфи ўрнида “ҳ” ёзилиши керак эди. Булардан ташқари, МФЙ номи қўштирноққа олиниб, “ТАСН” сўзи ўзбек тилида ёзилиши керак. “Бошлиғи” ва “ертўла” сўзларида ҳам имловий хатолар қузатилади.

Умида БОЙЗОҚОВА,
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
Маънавият ва давлат тили
бўйича маслаҳатчиси:



– Сўнгги йилларда турар жой мажмуалари номили-шида хорижий атамаларнинг кўпайиши давлат тили мавқеига нисбатан баъзи муаммоларни кел-тириб чиқараётган эди. Шу нуктаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 октябрдаги 666-сонли қарори қурилиш соҳа-сида давлат тили устуворлигини таъминлаш-га қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2026 йил 1 январдан бошлаб, турар жой мажмуалари объект ном-лари, бино паспортлари, пешлавлалар, қури-лиш майдонларидаги ёзувлар, реклама ва эълон матнлари тўлиқ давлат тилида, унинг қоида

ва талабларига қатъий риоя этил-ган ҳолда расмийлаштирилиши белгиланди. Энг муҳими, объект номи давлат тили талабларига мос келмаслиги лойиҳа-смета ҳужжатларини келишишни рад этиш учун асос бўлади. Бу эса, қурилиш объектини ном-лаш масаласи лойиҳалаш босқи-чидаёқ ҳуқуқий ва тил меъёрлари асосида хал этилишини аниглайди. Шунингдек, объект номларининг мил-лий қадриятларга мос бўлиши архитектура хулосаларида ҳам алоҳида эслатиб ўтилмоқда. Қарорда шахарсозлик нормалари ва қоида-ларида келтирилган талабларни тўлдирувчи ёки уларга компенсация чораларини таъмин-ловчи Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги техник кенгаши қарори билан қабул қилинадиган махсус техник шартлар ҳам дав-лат тилида тайёрланиши ва тасдиқланиши,

шунингдек, фақат Техник меъёрлаш ва стан-дартлаштириш илмий-тадқиқот институ-ти давлат муассасаси томонидан шартнома асосида бошқа тилларга таржима қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бу жараён қу-рилиш соҳасида давлат тилининг нафақат ҳуқуқий, балки амалий устуворлигини ҳам мус-таҳкамлайди.

Қолаверса, вазирликнинг тегишли буйруғи асосида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжа-лиги атамаларининг изоҳли луғати лойиҳа-си тайёрланиб, соҳа мутахассислари, олим-лар, тадқиқотчиларни жалб қилган ҳолда соҳавий изоҳли ва имло луғати нашр этилди. Унда 20 000 дан ортиқ атаманинг изоҳлари жамланган. Ҳозирда мазкур луғатни қайта ишлаган ҳолда, янада тўлдириш ва бойитиш ишлари режалаштирилмоқда. Бугунги кунда қурилишда давлат тили устуворлигини таъ-минлашдаги долзарб масалалардан яна бири – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-сидаги тушунча ва атамаларни аниқ ҳамда бир

хилда таърифланиши ҳамда ишлатилишини мувофиқлаштиришдан иборат. Вазирликда ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан соҳага оид янги сўз ва атамалар-нинг ўзбекчага муқобиллари ҳамда уларни бир хилда қўллаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясига тақдим этилмоқда. 2026 йил якунида бу бора-даги аниқ натижа ва кўрсаткичларга тўхтал-ламиз. Давлат тили – бу нафақат мулоқот воси-таси, балки давлат бошқаруви, ҳуқуқий тар-тибот ва жамоатчилик билан алоқаларнинг асосий пойдеворидир. Шу маънода, қурилиш паспорти оддий баннер ёки эълон эмас, балки давлат томонидан белгиланган ва жамоатчи-лик назоратини таъминлашга хизмат қилувчи расмий ахборот ташувчиси-дир. Ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла масъулият билан, адабий тил меъёрларига қатъий риоя этган ҳолда ёзи-лиши шарт.

Имло масаласи – расмий ҳужжатга нисбатан лоқайдлик белгиси

Низомнинг 8-бандида қурилиш паспортда келтирилаётган барча маълумотлар давлат тилида баён этилиши қатъий белги-ланган. Мазкур талаб фақатгина матннинг ўзбек тилида ёзилиши билангина чекланмайди, балки давлат тилининг адабий меъёр-лари, имло қоидалари ҳамда расмий-услубий талабларига тўлиқ риоя этилишини ҳам назарда тутди. Афсуски, амалий кузатувлар айрим қурилиш объектларида ўрнатилган паспортларда тил ва имло масаласига етарли эътибор қаратилмаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, сўзларнинг нотўғри ёзилиши, расмий ва ҳуқуқий атамаларнинг бузиб қўланилиши, объектнинг жойлашган манзили, ташкилот, мансаб ва лавозим номларида имловий хатоларга йўл қўйилиши ҳолатлари учра-моқда. Бундан ташқари, айрим паспортларда жумалар грамма-тик жиҳатдан нотўғри тузилган бўлиб, бу ахборотнинг мазмуни-ни тушунишни қийинлаштиради ва расмий ҳужжатга хос бўлган аниқлик ҳамда равшанлик таъминланганига зид келади.

Қурилишда назорат ва жавобгарлик мувозанати

Низомнинг 12-бандида QR-кодли қурилиш паспорти билан боғлиқ талаблар бузилган тақдирда, айбдор шахслар амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши аниқ белгиланган. Мазкур норма мазмунан жуда муҳим бўлиб, у QR-кодли паспорт тизимини расмийлаштириш даражасида эмас, балки мажбурий ва ижроси таъминланадиган ҳуқуқий механизм сифатида ишлатилиши қафолатлашга қаратилган. Яъни, ушбу банд талабларининг бажарилишини таъминловчи асосий “мажбур этувчи восита” вазифасини бажариши лозим.

Бироқ, амалий ҳолат таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур

норма кўтлаб ҳолатларда етарли даражада ишламаётгандек. Чун-ки агар қурилиш объектида QR-кодли паспорт умуман ўрнатил-маса, ундаги маълумотлар тўлиқ ва ишончли бўлмаса ёки имло ҳамда расмийлаштириш талабларига очикдан-очик риоя этил-маса-ю, бунга нисбатан муқаррар ва ўз вақтида чоралар қўрил-маса, бундай ҳолатлар тизимли тус олиб бораверади. Жавобгар-ликнинг муқаррарлиги таъминланмаган жойда эса, ҳар қандай норма ўзининг реал таъсир кучини йўқотди.

Айниқса, назорат механизмларининг сулғистиги қонун ижро-сининг фақат ҳужжатлар ва қоғозлар даражасида қолиб кетиши-га олиб келади. Натижада, қонун талаби мавжуд бўлса-да, унинг амалда ишламаслиги фуқароларда ҳуқуқий тартиботга нисбатан ишончсизлигини кучайтиради. Шу боис, Низомнинг 12-бандида назарда тутилган жавобгарлик чораларини реал ва изчил қўл-лаш, аниқланган ҳар бир бузилиш ҳолатига нисбатан қатъий ва муқаррар чоралар қўриш зарурлиги қайд этилган. Фақат шун-дагина QR-кодли қурилиш паспорти талаблари амалда ишлай-диган, қурилиш соҳасида тартиб-интизомни таъминлайдиган ҳуқуқий инструментга айланиши мумкин

Шаффофлик – майда деталлар бошланади

Қурилиш паспортига фақат техник ёки ташкилий талаб си-фатида қараш масаланинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди, албатта. Мазкур ҳужжат орқали давлат ва жамият ўртасида очик мулоқот ўрнатилди, фуқароларга қурилиш объектининг қону-нийлиги ва очиклиги ҳақида ишончли ахборот тақдим этилади. Шу нуктаи назардан қаралганда, қурилиш паспортини умуман ўрнатмаслик ёки уни имловий, услубий ҳамда мазмуний хатолар билан тўлдиргани майда камчилик сифатида баҳолаш мутлақо нотўғри. Zero, ахборот сифатсиз ёки нотўғри берилган жойда на жамоатчилик назорати самарали бўлади, на фуқароларнинг дав-лат тизимларига бўлган ишончи мустаҳкамланади.



Тошкент шаҳри Юнусобод туманида қад ростлаётган офис ва савдо хизмат кўрсатиш шохобчаси паспортда ҳам кўтлаб имловий хатоларни кўриш мумкин. Хусусан, туман номи, “кўчаси”, “ҳолда”, “кўрсатиш”, “объектнинг”, “қурилиш”, “автотуларгоҳ”, “йўл”, “масъуллиар”, “лойиҳачи”, “муаллифлик”, “участка”, “ҳужжатларнинг” каби ўнлаб сўз ва иборалар хато билан ёзилган.



Ушбу суратдаги қурилиш паспорти “Миробод туман ҳокимияти” ДМ томонидан қурилаётган Тошкент шаҳри Миробод туманида жойлашган “Билимдон” МФЙ биносининг қайта қуриш лойиҳасига тегишли. Бунда ҳам “шахар”, “ҳокимият”, “лойиҳачи” каби сўзларда “х” ўрнига “ҳ” ёзилиши керак. Бундан ташқари, ҳарфларнинг тушиб қолиши билан боғлиқ хатоликлар ҳам мавжуд. Жумладан, манзилда ва паспорт сўзларида “и” ҳарфи тушириб қолдирилган.

Агар ҳақиқатан ҳам, “Шаффоф қурилиш” ғояси реал ҳаётда ишлатилиши истасак, эътибор энг аввало, майда кўринган, аммо мазмунан муҳим бўлган деталлар – қурилиш паспортининг мав-жудлиги, ундаги ахборотнинг тўлиқлиги ва аниқлиги, шунинг-дек, имло ва тил маданиятига риоя этилишидан бошланиши лозим. Чунки айнан ана шундай деталлар орқали давлат сиёса-тининг сифати, ижро интизими ва жамият олдидаги масъулият даражаси намоён бўлади.

Тақлифлар:

биринчидан, қурилиш паспортини тайёрлаш, матнларини ёзиш ва чоп этиш билан боғлиқ ишларда соҳада фаолият юри-тувчи ноширлик субъектлари хизматидан фойдаланиш мақсад-га мувофиқ. Бу, имловий ва техник хатоларнинг олдини олиш, шунингдек, йўл қўйилган камчиликлар учун жавобгарликни аниқ белгилаш имконини беради;

иккинчидан, худудий инспекциялар томонидан қурилиш паспортларида имло қоидаларига риоя этилиши юзасидан на-зоратни ҳукумат қарори талабларига мувофиқ янада кучайти-риш лозим;

учинчидан, имло ва матн сифати учун масъул ходимлар иштирокида вазирлик ва идоралар тизимида тил бўйича мута-хассислар иштирокида ҳар уч ойда бир марта ўқув семинарлари ҳамда тренинглар ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, объект паспортдаги хатолар мунтазам ра-вишда мутасаддилар томонидан текшириб турилса, камчилик-лар юзасидан тегишли чоралар қўрилса ёки паспортларни жой-лашдан аввал худудий инспекциялар томонидан имловий ва техник жиҳатдан тўлиқ қўриқдан ўтказиш тартиби жорий эти-лиши мақсадга мувофиқ бўлади.



Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Амир Темура кўчасида жойлашган Radisson Blu Hotelнинг фасад қисми реконструкция қилинаётганини билдирувчи паспорт давлат тилида ёзилмаганини кўриш мумкин.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган
очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD ASAT-KREDIT” МЧЖнинг 2026 йил 27 январдаги 14-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманидаги хусусий нотариал идоранинг 2025 йил 17 сентябрь ва 14, 21 ноябрдаги ижро хатларига асосан ундурувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоний кўчаси, 42-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдога қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	4253	Браслет 1 шт., о.в. 9,79 гр., ч.в. 8,99 гр., 585 пр.	5 937 446,11
2.	5189	Кольцо 1 шт., о.в. 2,13 гр., ч.в. 2,13 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,72 гр., ч.в. 4,32 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 10,08 гр., ч.в. 10,08 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 3,56 гр., ч.в. 3,56 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 5,10 гр., ч.в. 5,10 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 1,77 гр., ч.в. 1,77 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 2,01 гр., ч.в. 2,01 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 1,79 гр., ч.в. 1,79 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 4,66 гр., ч.в. 3,46 гр., 585 пр.	24 821 921,11
3.	5344	Серъги пара, о.в. 6,31 гр., ч.в. 6,31 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,16 гр., ч.в. 4,16 гр., 585 пр.	7 785 746,11
4.	5957	Браслет 1 шт., о.в. 7,21 гр., ч.в. 3,87 гр., 585 пр.; серъги 1 пара, о.в. 6,35 гр., ч.в. 6,35 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,83 гр., ч.в. 3,03 гр., 585 пр.	10 140 056,11
5.	6603	Кольцо 1 шт., о.в. 5,32 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,16 гр., ч.в. 2,66 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,74 гр., ч.в. 2,87 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 5,92 гр., ч.в. 4,72 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 2,67 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; кулон 1 шт., о.в. 0,84 гр., ч.в. 0,84 гр., 585 пр.	14 042 696,11
6.	6296	Кольцо 1 шт., о.в. 2,16 гр., ч.в. 2,16 гр., 585 пр.	1 555 439,91
7.	6404	Браслет 1 шт., о.в. 7,21 гр., ч.в. 7,21 гр., 585 пр.; кулон 1 шт., о.в. 2,38 гр., ч.в. 2,38 гр., 585 пр.	6 824 731,11
8.	6882	Кольцо 1 шт., о.в. 2,28 гр., ч.в. 2,18 гр., 585 пр.	1 176 801,01
9.	7134	Серъги пара, о.в. 6,45 гр., ч.в. 5,65 гр., 585 пр.	4 824 224,11
10.	7380	Цепь 1 шт., о.в. 2,04 гр., ч.в. 1,50 гр., 750 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,74 гр., ч.в. 2,87 гр., 750 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,79 гр., ч.в. 3,79 гр., 750 пр.; кулон 1 шт., о.в. 1,04 гр., ч.в. 1,04 гр., 750 пр.	7 412 551,11
11.	7711	Браслет 1 шт., о.в. 5,22 гр., ч.в. 2,26 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,81 гр., ч.в. 2,51 гр., 585 пр.	3 839 049,91
12.	7723	Кольцо 1 шт., о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,65 гр., 585 пр.	3 286 196,11
13.	7795	Серъги пара, о.в. 3,76 гр., ч.в. 2,96 гр., 585 пр.	2 455 955,91
14.	7958	Серъги пара, о.в. 4,30 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр.	2 074 196,11
15.	8105	Кольцо 1 шт., о.в. 1,78 гр., ч.в. 1,58 гр., 585 пр.	1 483 346,11
16.	8427	Серъги пара, о.в. 3,99 гр., ч.в. 3,49 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 5,74 гр., ч.в. 5,34 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,19 гр., ч.в. 2,89 гр., 585 пр.	8 552 336,11
17.	8587	Кольцо 1 шт., о.в. 3,46 гр., ч.в. 3,06 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,67 гр., ч.в. 2,67 гр., 585 пр.	4 868 866,11
18.	175	Кольцо 1 шт., о.в. 2,84 гр., ч.в. 2,84 гр., 585 пр.	2 179 337,11
19.	188	Цепь 1 шт., о.в. 2,93 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; кулон 1 шт., о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,58 гр., ч.в. 3,58 гр., 585 пр.	7 727 166,11
20.	233	Серъги пара, о.в. 4,03 гр., ч.в. 3,53 гр., 585 пр.	2 286 296,11
21.	267	Браслет 1 шт., о.в. 5,37 гр., ч.в. 5,37 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 4,93 гр., ч.в. 3,33 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 4,92 гр., ч.в. 4,92 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,57 гр., ч.в. 2,77 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,99 гр., ч.в. 1,69 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,65 гр., ч.в. 2,25 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,21 гр., ч.в. 1,81 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,59 гр., ч.в. 3,09 гр., 585 пр.	21 314 696,11
22.	455	Кольцо 1 шт., о.в. 3,39 гр., ч.в. 2,99 гр., 585 пр.	2 680 196,11
23.	562	Серъги пара, о.в. 4,62 гр., ч.в. 4,12 гр., 585 пр.	3 664 946,11
24.	910	Колье 1 шт., о.в. 14,35 гр., ч.в. 14,35 гр., 585 пр.	12 754 946,11
25.	973	Кольцо 1 шт., о.в. 7,28 гр., ч.в. 7,28 гр., 585 пр.	6 255 596,11
26.	1055	Серъги пара, о.в. 2,72 гр., ч.в. 2,72 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,15 гр., ч.в. 1,85 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 5,85 гр., ч.в. 5,45 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,14 гр., ч.в. 3,74 гр., 585 пр.	12 073 196,11
27.	1074	Кольцо 1 шт., о.в. 2,63 гр., ч.в. 2,03 гр., 585 пр.	1 922 696,11
28.	1163	Цепь с подвеской 1 шт., о.в. 9,40 гр., ч.в. 9,40 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 3,27 гр., ч.в. 2,67 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,11 гр., ч.в. 4,11 гр., 585 пр.	14 800 196,11
29.	1194	Кольцо 1 шт., о.в. 2,99 гр., ч.в. 2,99 гр., 585 пр.	2 831 696,11
30.	1309	Серъги 1 пара, о.в. 2,94 гр., ч.в. 2,94 гр., 585 пр.	2 652 816,02
31.	1462	Серъги пара, о.в. 1,82 гр., ч.в. 1,52 гр., 585 пр.	1 370 024,11

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
32.	1567	Браслет 1 шт., о.в. 6,33 гр., ч.в. 6,03 гр., 585 пр.	5 558 696,11
33.	1794	Кольцо 1 шт., о.в. 2,62 гр., ч.в. 2,62 гр., 585 пр.	2 483 145,11
34.	1905	Кольцо 1 шт., о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,57 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 2,60 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр.	4 876 946,11
35.	1964	Цепь 1 шт., о.в. 17,39 гр., ч.в. 17,39 гр., 585 пр.	14 648 696,11
36.	1978	Кольцо 1 шт., о.в. 1,67 гр., ч.в. 1,67 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 7,94 гр., ч.в. 7,94 гр., 585 пр.; серъги 1 шт., о.в. 6,78 гр., ч.в. 4,98 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,78 гр., ч.в. 2,88 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 15,09 гр., ч.в. 15,09 гр., 585 пр.	26 778 796,11
37.	2107	Кольцо 1 шт., о.в. 4,35 гр., ч.в. 3,95 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,80 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.	4 399 721,11
38.	2384	Кольцо 1 шт., о.в. 4,69 гр., ч.в. 4,69 гр., 585 пр.	4 952 696,11
39.	2394	Серъги пара, о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,70 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр.	4 304 276,11
40.	2407	Кольцо 1 шт., о.в. 3,84 гр., ч.в. 3,84 гр., 585 пр.	3 901 892,11
41.	2482	Кольцо 1 шт., о.в. 2,87 гр., ч.в. 2,87 гр., 585 пр.	2 604 446,11
42.	2560	Серъги пара, о.в. 4,37 гр., ч.в. 4,37 гр., 585 пр.	4 649 696,11
43.	2581	Браслет 1 шт., о.в. 26,75 гр., ч.в. 26,75 гр., 585 пр.	26 283 896,11
44.	2605	Серъги пара, о.в. 7,98 гр., ч.в. 4,48 гр., 585 пр.	4 569 704,11
45.	2607	Браслет 1 шт., о.в. 16,09 гр., ч.в. 16,09 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 3,49 гр., ч.в. 3,49 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,59 гр., 585 пр.	22 829 696,11
46.	2619	Цепь 1 шт., о.в. 2,18 гр., ч.в. 2,18 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 5,42 гр., ч.в. 2,42 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,43 гр., ч.в. 1,83 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,29 гр., ч.в. 2,29 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 6,29 гр., ч.в. 4,29 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 4,82 гр., ч.в. 3,62 гр., 585 пр.	15 566 942,86
47.	2774	Цепь 1 шт., о.в. 6,78 гр., ч.в. 6,78 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 3,50 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.	8 347 306,11
48.	2786	Серъги пара, о.в. 2,98 гр., ч.в. 2,98 гр., 585 пр.	2 377 196,11
49.	2797	Серъги пара, о.в. 4,08 гр., ч.в. 3,08 гр., 585 пр.	2 529 382,91
50.	2876	Браслет 1 шт., о.в. 7,66 гр., ч.в. 7,66 гр., 585 пр.	5 169 078,51
51.	2948	Браслет 1 шт., о.в. 20,64 гр., ч.в. 20,64 гр., 585 пр.	19 250 256,11
52.	2998	Серъги пара, о.в. 2,96 гр., ч.в. 2,06 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 3,01 гр., ч.в. 3,01 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,83 гр., ч.в. 1,63 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 3,07 гр., ч.в. 3,07 гр., 585 пр.	7 491 836,11
53.	3198	Кольцо 1 шт., о.в. 2,18 гр., ч.в. 1,28 гр., 585 пр.	1 266 196,11
54.	3429	Кольцо 1 шт., о.в. 3,34 гр., ч.в. 2,84 гр., 585 пр.	3 134 696,11
55.	3679	Браслет 1 шт., о.в. 11,02 гр., ч.в. 11,02 гр., 585 пр.	7 982 696,11
56.	3694	Серъги пара, о.в. 3,28 гр., ч.в. 2,28 гр., 585 пр.	2 528 696,11
57.	3712	Цепь 1 шт., о.в. 10,54 гр., ч.в. 10,14 гр., 585 пр.	10 861 196,12
58.	3999	Кольцо 1 шт., о.в. 4,21 гр., ч.в. 4,21 гр., 585 пр.	4 649 696,12
59.	4010	Серъги пара, о.в. 2,88 гр., ч.в. 2,58 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 5,36 гр., ч.в. 4,86 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,39 гр., ч.в. 3,09 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 5,51 гр., ч.в. 5,01 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,31 гр., ч.в. 3,31 гр., 585 пр.	18 855 346,12
60.	4113	Серъги пара, о.в. 4,37 гр., ч.в. 3,97 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,19 гр., ч.в. 2,19 гр., 585 пр.	6 210 146,12
61.	4289	Кольцо 1 шт., о.в. 3,35 гр., ч.в. 2,85 гр., 585 пр.; серъги пара, о.в. 7,58 гр., ч.в. 6,58 гр., 585 пр.	10 649 096,12
62.	4335	Цепь 1 шт., о.в. 4,56 гр., ч.в. 4,56 гр., 750 пр.	6 619 196,12
63.	4634	Браслет 1 шт., о.в. 23,64 гр., ч.в. 23,24 гр., 585 пр.	17 830 196,12
Жами бошланғич баҳоси			489 756 823,16

Аукцион савдолар 2026 йил 5 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2026 йил 3 март куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2026 йил 5 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 19 март ва 2 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.
Расмий веб-сайт: www.rmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар
диққатига!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 27 январдаги 31-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган қуйидаги лойиҳалаштирилиб қурилиши режалаштирилаётган ва мавжуд савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	44-21А-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
2.	44-22-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
3.	44-23-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
4.	44-25-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
5.	44-26-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
6.	44-27-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
7.	12-21-10А-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000
8.	46-8-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2026 йил 2 март куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 4 март куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 17, 31 март, 15, 29 апрель, 13, 27 май, 10, 24 июнь, 8, 22 июль, 5, 19 август кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА

2026 йил учун
обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD VENERA-KREDIT” МЧЖнинг 2026 йил 29 январдаги 14-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод туманида хусусий амалиёт билан шугʻullanувчи нотариал идоранинг 2025 йил 12 февраль ва 17 декабрдаги ижро хатларига асосан ундурувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 5-мавзе, 29-уй, 2-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдога қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	5025	Серъги с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; кольцо с деф. погн.; серъги с деф. погн.; кольцо с бел. кам. Общим весом 10,94 гр.	5 117 605,00
2.	545	Кольцо погн. с бел. кам. обруч. Общим весом 2,85 гр.	1 703 142,24
3.	812	Серъги хруп. Общим весом 2,38 гр.	1 580 080,00
4.	1386	Кольцо бирка+пломба+нитка с бел. камн. Общим весом 3,60 гр.	2 337 580,00
5.	1663	Серъги с бел. кам деф.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 18,54 гр.	12 722 905,00
6.	2074	Кольцо с бел. кам.; браслет хруп.; кольцо; кольцо; кольцо. Общим весом 12,36 гр.	7 711 224,40
7.	2288	Цепь, кулон. Общим весом 19,44 гр.	14 073 878,98
8.	2471	Цепь узел.; цепь хруп. звен. слом. паян. нитки; кольцо обруч. грязь.; серъги хруп. Общим весом 25,42 гр.	17 058 350,20
9.	2561	Кольцо с желт. кам.; кольцо с бел. кам. обруч. Общим весом 10,75 гр.	7 727 525,80
10.	2577	Браслет с бел. кам. хруп. Общим весом 9,60 гр.	7 299 205,00
11.	2672	Кольцо с бел. кам.; серъги с бел. кам. Общим весом 4,70 гр.	3 219 262,03

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
12.	2791	Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. с деф. погн. Общим весом 6,74 гр.	3 574 885,35
13.	2931	Кольцо пайка. Общим весом 4,31 гр.	3 337 480,00
14.	2956	Кулон с бел. кам. 2-х кам. нет погн.; кольцо с крас. кам. Общим весом 8,70 гр.	4 377 073,00
15.	3131	Кольцо бирка+пломба. Общим весом 4,25 гр.	3 458 680,00
16.	3138	Брош с бел. черн. кам. погн. Общим весом 2,50 гр.	1 665 562,36
17.	3287	Цепь с бел. кам. Общим весом 18,00 гр.	14 283 355,00
18.	3295	Цепь хруп.; кольцо с бел. кам. с деф. погн. 1-го кам. нет; Кольцо обруч. с бел. кам. 1-го кам. нет. Общим весом 13,60 гр.	10 814 005,00
19.	3298	Цепь; кольцо с бел. кам. Общим весом 12,51 гр.	9 950 455,00
20.	3350	Серьги с бел. кам.; браслет штамп. погн. Общим весом 6,66 гр.	4 568 656,87
21.	3372	Серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; кольцо; кольцо; кольцо. Общим весом 22,73 гр.	15 931 978,00
22.	3468	Кольцо с бел. кам. Общим весом 1,70 гр.	1 466 455,00
23.	3618	Браслет погн. пайка хруп. Общим весом 4,45 гр.	3 132 955,00
24.	3695	Браслет; кольцо с зел. кам. Общим весом 12,16 гр.	9 192 955,00
25.	3741	Браслет с деф.; кулон; кольцо с деф. кам. нет; кольцо с бел. кам.; цепь звен. погн. с деф. Общим весом 32,08 гр.	25 857 955,00
26.	3872	Цепь хруп. Общим весом 5,05 гр.	4 163 155,00
27.	3925	Браслет хруп. погн. Общим весом 8,24 гр.	5 405 455,00
28.	3960	Кольцо с бел. кам. Общим весом 1,80 гр.	1 224 055,00

